

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари қардош Туркменистон халқига жорий йил 10-11 октябрь кунлари Ашхободда ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистоннинг МДХдаги раислиги муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор табриклади.

Давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар нўқтаи назаридан халқро ва минтақавий аҳамиятта молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги вақт синовидан ўтган мустақам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, аввало, савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустақам асос бўлаётгани қайд этилди.

Томонлар ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алоқаларини бундан буён ҳам фаол кенгайтиришга тайёригини билдирдилар.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ва бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тарақиёти ва раванқи йўлида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустақамлаш борасида қатъий эканини таъкидладилар.

ЎЗА

ЯПОНИЯЛИКЛАР САМАРҚАНД САЁҲАТИДАН МАМНУН

Ўзбекистон – Япония ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари мустақамлашиб бораётгани натижасида кун чиқар юртдан келаётган сайёҳлар оқими йил сайин кўпаймоқда. Айниқса, туристларга қулайлик яратиш мақсадида Япониядан Самарқандга амалга оширилаётган чартер рейслар кўпайиб сайёҳларнинг кўҳна кентни кўриш истаги рўбга чиқишини янада энгиллаштирмоқда.

– Самарқанд ҳақида кўп эшитгандим, ammo энди илк бор бу эртанамо шаҳарда бўлишим, - дейди сайёҳ Накашита Йоко. – Буюк Ипак йўли бўйича маълумотларда Самарқанд кўп тилга олинган. Унинг бетакор табиати, жойлашган ўрни ҳақидаги таърифлар одамларда бу шаҳарни кўриш истагини янада оширади. Ана шундай истак билан яшаб келаётганим. Ва ниҳоят, кўп йиллик орузим амалга ошди. Тарихий обидаларнинг ўзига хослиги менда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир обидада мовий гўмбазни учратамиз. Бу мени анча ўйлантирди. Икки кунлик саёҳатим давомида бу ердаги тинчлик-осойишталик, озодалик, мусоффо ҳаво ва очик чехра одамларни кўриб бунинг маъносини англадим. Гўмбазлар юртингиз тинч-тотув ҳаёти, фаровонлиги рамзи менимча. Саёҳатимдан мамнунман. Фақат турмуш ўртоғим келолмаганидан афсусда.

Кейинги сафар албатта турмуш ўртоғим билан келаман. Самарқанд кўчаларида бирга сайр қилаётган чол-кампирапарга менинг ҳам ҳавасим келди. Самарқанд билан хайрлашмайман. Яна кўришгунча, деб Японияга бир олам таассуротлар билан қайтаман.

Чартер рейс бўйича Самарқандга ташриф буюрган япониялик сайёҳларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида Мирзо Улугбек мадрасасида Ўзбекистон давлат филармонияси Самарқанд вилояти бўлими томонидан миллий куй-қўшиқ ва рақслардан иборат дастур намойиш этилмоқда. Шунингдек, белгиланган режага мувофиқ, Булунгур туманининг “Навқи” фольклор-этнографик ансамбли чиқишлари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, япониялик сайёҳлар учун Регистон майдонида 3D шуоци уюштирилмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бу борада ўтказилган таҳлил натижалари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат функцияларини амалга оширишда комплекс ёндашув ва стратегик режалаштиришнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, қўйилган вазифаларни самарали бажариш учун табиати муҳофаза қилиш органининг ваколатлари етарли эмаслигидан далолат беради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиати муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва унда қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилсин:

атроф-муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қатъри, биохилма-хиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш;

экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш;

заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик хавфсиз тизимини такомиллаштириш;

аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролин кучайтириш;

б) 2030 йилгача бўлган давр

да Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини 2019-2021 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича таъминлаш мақсадида мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган “Йўл хариталари” асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси):

2021 йил 1 декабргача бўлган муддатда “Йўл харитаси”ни амалга ошириш якунларини пухта ўрганиш асосида кейинги даврга мўлжалланган “Йўл харитаси” лойиҳасининг ишлаб чиқишини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини таъминласин;

“Йўл хариталари” амалга оширилиши бўйича таъсирчан мониторинг юритсин.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга оширилаётган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид тақлифларни ишлаб чиқиш учун илмий-амалий майдон яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида:

1. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Таъсисчилар кенгашининг институти Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда – Марказ) этиб қайта ташкил этиш ҳақидаги тақлифга розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

халқ билан мулоқот ҳолати ва ривожланишини ўрганиш, давлат органлари фаолияти очиклигини тизимли таҳлил қилиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишга қўмақлашиш, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида ўрта ва узоқ истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш ва стратегик йўналишларини белгилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишининг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳолатини ва ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, жамоатчилик бошқарувида уларнинг иштирокини кенгайтириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институти билан самарали ҳамкорлиги, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларининг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтининг давлат органлари билан ҳамкорлик даражасини, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкиллаштириш, улар асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида даврий ва махсус илмий-таҳлилий маърузалар ҳамда бошқа материаллар тайёрлаш;

демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини, аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институти иштирокини, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш;

рақобатдош кўппартияли тизимнинг ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати манфаатлари йўлида ўтказиладиган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти институти ривожлантириш, фуқаролик фаолигини ошириш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат ношароит ташкилотлари иштирокининг муаммоларини тизимли ўрганиш;

фуқаролик жамиятини ташвишга солаётган долзарб масалалар бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва жамоатчилик эшитувларини ўтказишни ташкил этиш, уларнинг якунларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шу асосида социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институти иштирокини кенгайтириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақида жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ташкил этиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, тегишли ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш;

фуқаролик жамияти институти вакилларига тегишли профессионал кўникмаларини шакллантиришда ва ишбилармонлик малака даражасини оширишда қўмақлашиш;

(Давоми 2-саҳифада)

Наманган вилояти

Қайнаб-тошар Мингбулоқнинг “оқ олтин” булоғи

Куз фаслида Мингбулоқнинг файзи янада бошқача бўлади. Мазаси тилга, ифори дилга ёқадиган қовун-тарвузи, мевалари таърифини бир чегга қўйиб турайдикда, бутун борлиқни оқликка, покликка буркаган пахтазорлари, унда жавлон ураётган асл мингбулоқликлар, уларнинг фидокорона меҳнати, айнан деҳқончиликда эришаётган ютуқларининг сирлари ҳақида гаплашайлик.

Туманининг асосий экин майдонлари ўта шўрхок, ер ости сизот сувлари юзага яқин ҳудудга тўғри келади. Шу боис ҳам асосий майдонларда бир неча марта шўр ювиш ишларини

амалга оширишни тақозо этади. Баҳорги ер текислаш, пушта олиш, уруғ қадаш юмушлари ҳам кўёш қизиб кетмасдан бажарилмаса кўзланган натижага эришиб бўлмайди.

– Туманимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилган бой тажрибаларга таянган ҳолда ўзига хос мингбулоқликлар мактабига асос солинган.

(Давоми 3-саҳифада)



Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат.



(Давоми 2-саҳифада)

(Боши 1-саҳифада)

3. Куйидагилар:
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов зиммасига – Концепция ва “Йул харитаси”ни амалга ошириш доирасида масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т.Қўчқоров зиммасига – Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш юзасидан шахсий масъулият юклагани.

4. Давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон Экологик партияси ва жамоатчиликнинг давлат ўрмон фондида қирмайдиган даракхлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий (кейинги ўринларда – мораторий) жорий этиш тўғрисидаги таклифларни тасдиқлаш;

Белгилансинки:
а) мораторий 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача амал қилади;
б) мораторий амал қилиш даврида ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондида қирмайдиган даракхлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига рухсатнома бериш нам этилади, ушбу бандда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

в) мораторий:
табiiй омиллар ёки зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари таъсирида зарарланган, қуриб бораётган ёки қуриб қолган, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига ҳафз тугдирувчи даракхлар ва буталарни санитар кесил ва қирқишга;

ё) ва мевалар олиш учун ўстирилаётган даракхлар ҳамда буталарни (терак ва тез ўсувчи бошқа навлар, тут плантациялари, мевали даракхлар ва буталар) кесилга;

плантацияларда ўстирилаётган ва/ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк хисобланган даракхлар ҳамда буталарни кесилга жорий этилмайди.

Вазирлик ва идоралар, шунингдек, ҳўжалик бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари объектлари қуриш ва қуришни лойиҳалаштириш учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида, шунингдек, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини (электр, газ ва сув таъминоти, канализация, темир йўл ҳамда автомобиль йўллари ва бошқалар) барпо этишда, шу жумладан, даракхлар ва буталарни қўчириб ўтказиш амалиётини қўллаш орқали уларнинг сақлаб қолинишини қатъий таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси даракхлар ва буталарни ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, даракхлар ва буталарни ноқонун кесил, улга зарар etkazиш ёки йўқ қилиш учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни икки ҳафта мuddатда тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси Давлат экология қўмитаси ва “Хўнарманд” уюшмаси билан биргаликда халқ бадий ҳўнармандчилиги ва амалий санъат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўнармандларни ёғоч, шу жумладан, даракхларнинг қимматбаҳо навларидан олинган ёғоч билан таъминлаш бўйича бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Давлат экология қўмитаси 2020 йил 1 ноябргача бўлган мuddатда даракхлар ва буталарни муҳофаз қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самардорлигиндан келиб чиққан ҳолда, мораторийнинг амал қилишини узайтириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан таклиф киритсин.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши Давлат экология қўмитаси билан биргаликда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаз қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида

ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш, ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комиссиялари томонидан яшил дов-даракхларни санитар қирқиш ва кесилда, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва чиқиндиларини утилизация қилиш, шу жумладан, ёғочлардан тижорат мақсадда фойдаланишда экология талабларига риоя этилиши юзасидан назорат амалга оширилишини таъминласин.

7. Куйидагилар:
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон Экологик партияси билан биргаликда ёшларда атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни шакллантириш, табиатни сақлаш, ҳаво, сув ва тупроқ ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён etkazилишига йўл қўймасликка қаратилган экологик акцияларни ташкил этиш;

“Иктымий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш республика марказининг атроф-муҳитни муҳофаз қилишининг долзарб масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан йўлга қамиди бир марта иктымий тадқиқотлар ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш қўмитасининг раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш бошқармаларининг бошлиқлари ҳар йили ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаз қилишнинг ҳолати тўғрисида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳисобот тақдим этиди;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш соҳасида назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларининг бошлиқлари ҳар йили туманда (шаҳарда) атроф-муҳитни муҳофаз қилишнинг ҳолати тўғрисида тегишли равишда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этиди.

9. 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Давлат экология қўмитасининг давлат инспекторлари куйидаги ҳолатлар аниқланганда тезкор назорат тадбирларини назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган билан олдидан келишмасдан, ўтказилган текширув ҳақида, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимда рўйхатдан ўтказиш орқали текширув бошланган пайтдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида ваколатли органи мажбурий равишда хабардор қилган ҳолда амалга оширад:

ё) унчи моддалар ва қурилиш материалларини бир жойга тўплаш ёки очик оловда ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаз қилиш бўйича талабларга риоя этмаслик;
далалар ва аҳоли пунктларида махсус техник воситаларни қўлламасдан битумни эритиш, ангизни, тўқилган барглари ва даракт шохлари ёки бошқа ўсимлик қолдиқларини ёқиш;
оқава сувларни жой рельефига ёки очик ҳавза-

ларга, шунингдек, коммунал канализация тизимига нормадан ортиқча ёки рухсатсиз оқизиш;

табiiй сув объектларидан сувдан махсус фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсатнома сўв олиш; даракхларни қонунга қарши равишда кесил, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йғиш ва тайёрлаш ёки йўқ қилиш, ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан, балқич) овлаш ёки қўлга киритиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик;

дарёлар, сойлар, кичик дарё ва қўлларнинг ўзгалари ва сувни муҳофаз қилиш зоналарини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик.

10. Куйидагилар:
2020 йил 1 январдан бошлаб “Евро-4”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгисини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб “Евро-3”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгисини, 2023 йил 1 январдан бошлаб эса “Евро-4”дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилгисини “вақтинча олиб қилиш” ва “эркин муомала (импорт) учун чиқариш” божхона режимида жойлаштириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб захарлилик даражаси “Евро-4” экологик тоифа талабларига мос келмайдиган газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган “М” ва “N” тоифалардаги гилдиракли транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни сотиш мақсадида “вақтинча олиб қилиш” ва “эркин муомала (импорт) учун чиқариш” божхона режимида жойлаштириш ман этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасига олиб қирладиган “М” ва “N” тоифалардаги гилдиракли янги транспорт воситаларининг экологик тоифа талабларига мувофиқлигини экологик сертификатлаш тартибини икки ой мuddатда тасдиқласин.

11. Давлат экология қўмитасининг ёввойи ҳайвонларни овлашга ва ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланишга рухсатномалар бериш бўйича ўз ваколатларини Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш бошқармаларига бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Давлат экология қўмитаси:
а) ун ой мuddатда куйидагиларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

давлат экологик экспертизаси ўтказилгунга қадар, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб (юқори ва ўртача хавф-хатар) фаолиятнинг мўлжалланаётган турлари бўйича атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳаларининг мажбурий жамоат муҳокамалари ва шитишларини ўтказиш тартибини;

атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг I ва II тоифаларига мансуб (юқори ва ўртача хавф-хатар) фаолият турлари билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларни тозалаш иншоотлари билан

таъминланганлиги, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни мажбурий ўрнатиш чора-тадбирлари амалга оширилганлиги юзасидан хатловдан ўтказиш тўғрисидаги таклифларини;

б) гилдиракли транспорт воситаларини ишлаб чиқаришда “Евро-4”дан паст бўлмаган талабларни бажариш бўйича гилдиракли транспорт воситаларини экспорт қилувчи давлатларнинг қонун ҳужжатларини идентификациялаш ёки мурожатчилар томонидан тақдим этилган, мазкур гилдиракли транспорт воситаларининг захарли моддалар чиқариш даражаси бўйича “Евро-4”дан паст бўлмаган экологик тоифа талабларига мувофиқ эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикасига олиб қирладиган, газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган “М” ва “N” тоифалардаги янги гилдиракли транспорт воситалари учун экологик сертификатлар бериш ташкил этилишини таъминласин;

“Ўзстандарт” агентлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Давлат экология қўмитаси хузуридаги “Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш маркази” ДУК негизда гилдиракли транспорт воситаларининг экологик тоифасини аниқлаш бўйича замонавий лаборатория комплексини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

в) аҳолининг экологик маданиятини ошириш, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш, табiiй ресурслардан оқилана фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда кенг қўламли тарғибот фаолиятини ташкил этиш ишларини кучайтирсин;
г) Иқтисодий ва саноат вазирилик, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновация ривожланиш вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, жумладан, куйидагиларни назарда тутувчи “Чиқиндилар тўғрисида” янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бешта хавф-хатар тоифаси тизими ўрнига саноат тармоқлари ва/ёки кимё-физик параметрлар асосида чиқиндиларни таснифлаш тизимини жорий этиш; ишлаб чиқаришда чиқитсин ва кам чиқитли технологияларни, шунингдек, қончилик ва қайта ишлаш корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш;

саноат объектларида хавфли чиқиндиларни экологик хавфсиз сўлатишни ташкил этишни таъминлаш; ўзининг истеъмол хуусиятларини йўқотган ва таркибиди хавфли моддалар мавжуд бўлган товарлари (симоб термометрлар, батареялар, таркибиди симоб мавжуд лампалар ва бошқалар) йғиш, фойдаланиш ва/ёки зарарсизлантириш тизимини

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2019 йил 30 октябр

ташкил этиш;
тибiiёт чиқиндиларини йғиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва қўмиб ташлаш тизимини ташкил этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой мuddатда куйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

Давлат экология қўмитаси давлат инспекторларининг текшириш ўтказишига тўқсинлик қилганлик, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳудудлари ва иншоотларини кўздан кеңиришга қўймастик ёҳуд уллар томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришга бошқача тарзда тўқсинлик қилганлик, шунингдек, жисмоний ёки юридик шахсларнинг экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажармаганлиги учун жавобгарликни кучайтириш;

экологик экспертиза органларини қайта ташкил этиш ва оптималлаштириш, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишининг IV тоифасига мансуб (маҳаллий таъсир) фаолият турлари бўйича атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш материалларни соддалаштирилган шаклда тақдим этиш, ҳужжатларни топшириш ва қабул қилишининг электрон тизимини жорий этиш, атроф-муҳитга таъсир кўрсатадиган фаолият турлари рўйхатини қайта қўриб чиқиш.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш мақсадида Давлат экология қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) экология ва атроф-муҳитни муҳофаз қилиш соҳасида назорат бўйича таҳлил лабораториялари ва инспекцияларни биттадан махсус автотранспорт билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, Давлат экология қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 184 та автотранспорт воситаларини сақлаш учун қўшимча лимит ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий аxbорот воситаларида мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, Концепция ва “Йул харитаси” амалга оширилишини ёритишга оид мақолалар ва мавзуга оид телекўрсатувларни ташкил этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПҚ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимиди рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органи хабардор этиш тартибиди ўтказиладиган текширувлар рўйхатига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Давлат экология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гуломов зиммасига юклансин.

(Боши 1-саҳифада)

давлат ва жамият ўртасида очик мулоқотни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, аҳоли билан қайта алоқа механизмларини йўлга қўйиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини халқ этишининг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларига қўмаклашиш борасида ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий-ўсулвий ва аxbорот жиҳатдан таъминлаш.

3. Марказ ва унинг худудий бўлиmlарининг бошқарув ҳудудлари умумий чекланган сони 115 нафардан иборат бўлган тузилмаларни 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқулласин.

Марказ директори, зарур ҳолларда, Марказ ва унинг худудий бўлиmlарини тузилмаларига белгиланган умумий штат сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуғига эгалиги маъқулот учун қабул қилинсин.

4. Белгилансинки:
Марказ нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Марказ қайта ташкил этилаётган фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади;

Марказ директори лавозимига қўра Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши раҳбари ўринбосари ҳисобланади;
фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Марказ билан ҳам келишиллади;

Марказ ўз вазифаларини бажариши учун шартнома асосида етакчи илмий, таълим ва таҳлилий, шу жумладан, хорижий муассасалар экспертларини жалб этиш ҳуқуғига эга;
давлат органлари раҳбарлари Марказга ҳар томонлама қўмаклашди, жумладан, Марказ ўз вазифаларини бажариши учун унга зарур шарт-шароитлар яратди, шунингдек, сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этиди, Марказ томонидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

ган таҳлиллар яқунлари бўйича киритилган материаллар ва тавсияларни қўриб чиқди.
2019 йил 1 ноябрдан Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашининг тасдиқланган разрядларига қўра Марказ ходимларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициенти икки баравар оширилган миқдорда қўлланилади.

Қайд этилсинки, ушбу банднинг саккизинчи хатбошида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан субсидия шаклида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Марказни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартиби сақлаб қолинсин.

Куйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштиришининг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инновацияни ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;
халқаро молия ва бошқа институтлар, чет эл ташкилотлари грантлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимийлик хайриялари;

ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тўшган тушумлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққидланмаган бошқа манбалар.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш

бўйича Парламент комиссиясига, шунингдек, Марказнинг таъсисчи – ташкилотларига ҳар йили унинг бюржманомаларига буюнган Марказ фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутти тавсия этилсин.

6. Марказга:
фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича семинарлар, илмий ва эксперт муҳокамаларини мунтазам ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси тинловчиларини ҳамда эксперт-таҳлил йўналишида кадрлар тайёрлайдиган олий ва бошқа таълим муассасалари талабалари (тинловчиларини) иш ўргатувчи-тадқиқотчи сифатида жалб этган ҳолда илмий-ўқув лабораторияларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таққидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилган ҳолда 2020-2022 йилларда Марказ ходимларини фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ихтисослашган етакчи хорижий тадқиқот ва таҳлилий институтларига иш ўрганиш учун юбориш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш тавсия этилсин.

7. Белгилансинки:
а) фуқаролик жамияти ривожланиши бўйича Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларнинг натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати йғилишларида мунтазам муҳокама қилинади, яқунлари бўйича тегишли чоралар қўрилади;
оммавий аxbорот воситаларида, мар-

казий давлат телеканалларида, матбуот нашрларида ва ушбу Марказнинг веб-сайтида доимий ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига фуқаролик жамиятини ривожланиш бўйича Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларнинг натижаларини парламент ва унинг қўмиталари (комиссиялар) мажлисларида қўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш тавсия этилсин;

б) Марказ ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашига қўриб чиқиш учун киритади, у эса, ўз навабтида, Ўзбекистон Республикаси Президентига аxbорот беради.

8. Марказга уч ой мuddатда фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва иктымий-сўсий жиҳатдан ривожлантиришга, шу жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Барқарор taraқийт мақсадларини амалга ошириш доирасида қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) Марказ худудий бўлиmlарининг эгаллаб турган биноларидан беғараз фойдаланиш ҳуқуқ сақлаиб қолишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджет, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳис

Боши 1-саҳифада

Айниқса, ишонч билдирилиб туманга раҳбар этиб тайинланаётган ҳокимларнинг анъаналарга содиқ қолиб, шакланган тизимни ривож йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари эришилаётган ютуқларнинг омили бўляпти. Жорий йилда пахтачилик йўналишида фаолият олиб борган 239 та фермер хўжаликлари 12916 гектар майдонга “Андижон-35”, “Андижон-36”, “Порлоқ”, “С 65-24” каби нав уруғларини анча барвақт 5 апрель кунда экиб бўлди. Соҳага кластер усулининг кириб келиши, замонавий янги техника, ўғит, ёнилғи таъминотидаги катта ўзгариш ўз самарасини берди. 2018 йилга нисбатан 14 кун барвақт, яъни жорий йилнинг 13 октябрь кунини давлат қабул пунктларига 31500 тоннадан ошириб ҳосил топириб, пахта хомашёси етказиб бериш бўйича шартнома ортиги билан бажарилди. – дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Баҳодиржон Мўйдинов.

Қўлга киритилган ғалабага “Истикбол”, “Хоразм”, “Гигант”, “Фарғона”, “Гулистон”, “Наманган” Муқобил машина трактор парклари ҳудудларидаги фермер хўжаликлари муносиб ҳисса қўшди. Тумандаги 150 тадан кўпроқ хўжалик режани 110-150 фоиздан ошириб бажаришга муваффақ бўлди. 1997 йилда Оққум барханлари бағрида боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиб унга “Сохибқирон” номини берган Солижон Хожамов ҳам 35-40 балл бонитетли майдонларда мўл-қўл ҳосил етиштиришни амалда исботлаётган чўлқуварларнинг бири. Жорий йилда у бошқараётган 185 та отрядга бириккан 31453 нафар теримчи катта хирмонни бунёд этувчилар десак ҳақ гапи айтган бўламиз. Уларга туман ҳокимлиги ва сектор раҳбарлари етакчилигида етарли шароитлар яратиб берилди.



Туманнинг 2 сектори ҳудудидаги Ҳабибулло Иномов раҳбар бўлган 83-отряд пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. “Барно Мадина Достон” фермер хўжалиги далаларида жавлон урган 91 нафар отряд аъзолари мавсум бошидан буён 140 тоннадан зиёд пахта териб, жамоянинг ғалабасига муносиб ҳисса қўшди. Одинахон Нурматов, Дурдонахон Оракулова, Санобархон Абдурахмонова, Мавлудахон Мазаева каби теримчилар уйган хирмони 2,5-3 тоннадан ошиб кетди.

Юқорида таърифлаганимиздек, Мингбулоқнинг ер майдонлари бепоён. Табиийки, аҳолиси олисда яшайдиган ҳудудлари ҳам талайгина. Тўрақўрган тумани билан чегарадош, азим Сирдарёнинг ўнг соҳилида тушликкача тўртта тиркамани “оқ олтин”га тўлдириб қўйган отряд аъзоларининг шижоатли меҳнатини устидан чиқдик. Куз қуёшдан юзи ранг олган, қадамидан ўт чақнайдиغان аёл уларга етакчи экан.

– Мен қўшни Тўрақўрган туманининг Қатағонсарой маҳалласида истиқомат қиламан, – дейди теримчи қиз Ирода. – 2016 йил шу далаларга ҳашарга келгани-

мизда теримга маҳтал турган пахталарни кўриб режа тузим. Уни туман раҳбарлари қўллаб-қувватлашди. Аҳоли зич яшайдиган Қатағонсарой, Бордимқўл, Шовон, Каттакурама маҳаллаларидаги 200 нафар хотин-қизларни жамлаб отряд ташкил қилдим. Мана тўрт йилдики, мавсумда шу ҳудудларнинг пахтасини теришда мингбулоқликларга кўмаклашиб келяпмиз. Кунига 15-20 тоннадан ошириб пахта теряпмиз. Муяссар Иззатиллаева, Комила Сойипова, Марямхон Юнусова, Робохон Раҳмонова каби аъзоларимиз 3 тоннадан мўлроқ пахта териб, оилавий жамғармасига 3 миллион сўмдан ошириб даромад киритди. Ҳашарчиларимизнинг баракали меҳнатига транспорт билан таъминланганлигимиз, сифатли тушлик ташкил этилаётгани, қатнашчиларнинг ҳар бирига кунига 1 литрдан бепул ўсимлик ёғи, илғорларга қимматбаҳо совғалар берилаётгани кўл келмоқда.

Техника дехқоннинг қаноти деб, бечиз айтилмаган. Буни қалбдан ҳиз этган мингбулоқликлар бор эътиборни соҳага инновацион янгиликларни тезроқ жорий этишга қаратмоқда. Биргина ўтган икки

парварিশлаб, мўл ҳосил етиштириди.

Айни пайтда вилоят пахта далаларида йигим мавсуми якуний босқичда. Вилоят пахтакорлари – 750 дан орტიқ терим отрядларига бириктирилган 170 мингдан зиёд теримчи, 50 дан ортиқ пахта териш машиналари, 6 та агрокластер мажмуасидан иборат жамоа 219 минг 600 тонналик улкан хирмон сари тобора яқинлашмоқда.

Қуйи Чирчиқ туманида жорий йил 27 минг тонна пахта етиштириш режалаштирилган эди. 27 октябрь кунини туман пахтакорлари мазкур режани ортиғи билан бажарди.

йил ичида АҚШда ишлаб чиқарилган “JOHN DEERE” компаниясига қарашли 11 та замонавий терим машинасини олиб келди. Бу кудратли техникаларнинг ҳар бири билан мавсумда 550-600 тоннадан ошириб пахта йиғиштириб олишга муваффақ бўлинди.

– Мен “Файзимухаммад ОТАЧ” фермер хўжалигида механизаторлик қиламан. 2018 йилда ушбу терим машинасини 3,5 миллиард сўмга харид қилганмиз. Уни бошқариш жоннинг роҳати, десам ишонаверинг. Бугун “Мингбулоқ порлоғи” фермер хўжалиги даласида пахта теряпмиз. Кўриб турганимиздек ҳосил ҳар йилгидан-да мўл, гектаридан биринчи теримнинг ўзидаёқ 32-35 центнердан хирмон кўтарилмоқда. Терган ҳар бир тонна пахтага 600 минг сўмдан ҳақ оляпмиз. Мақсадим, мавсум охиригача яна 200 тонна пахта териб вилоятимизнинг уюлажак катта хирмонига муносиб ҳисса қўшишдир, – дейди Баҳромжон Чилматов.

Мингбулоқликлар вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартномавий режасини шараф билан уддаладилар. Бунга мажбурий меҳнатга йўл қўймаган ҳолда, моҳирона ташкилотчилик орқасидан эришилди.

– Ҳали 800 гектардан ошроқ майдонда биринчи, 1000 гектар пахтазорда иккинчи терим ҳосили турибди. Бу албатта, Президентимиз, Республика Хукумати томонидан бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигига, айнан пахтачиликка кўрсатилаётган катта эътиборнинг натижасидан деб, биламан. Мақсадимиз, Аллоҳ берган бу барокатли ҳосилни ёғин-сочини кунларга қолдирмай, тез ва сифатли териб топириб эл олдига сўзида устувор мингбулоқликларнинг юзини ёруғ қилишдир, – дейди туман ҳокими вазиасини бажарувчи Нуршод Худойбердиев.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибиятининг топшириғига асосан Тошкент вилоятининг ҳар бир пахта етиштирувчи туманларида “Арбитраж” гуруҳлари ташкил қилинди.

Пахта қабулида “Арбитраж” гуруҳлари

“Арбитраж” гуруҳлари аъзолари томонидан фермер хўжаликлари топшираётган пахтани қабул қилишда юзага келадиган низолар адолатли ҳал этилиб, соф (физик) вазн билан кондизион вазн ўртасидаги фарқларнинг ҳаққонийлиги ва чегирмаларнинг адолатли қўлланилиши таъминланмоқда. Низоли ҳолатларда лаборатория синовларининг давлат стандартлари талаблари асосида ўтказилиши таъминланмоқда.

Маълумки, аввалари пахта пунктларида турли хил қонунбузилиш ҳолатлари кузатилиб, пахтани қабул қилиш жараёнида қўшиб ёзиш каби қинғирликлар учраб турарди. Бу йил коррупциянинг олдини олиш ва шаффофликка эришиш мақсадида барча пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта тўқимачилик кластерлари тасарруфидаги масканлар “Агроонлайн” тизимига уланиб, видео кузатувлар жорий қилинган. Қолаверса, уруғчилик фермер хўжаликлари томонидан уруғликларнинг топширилиши режалаштирилган нав ва авлодлари бўйича жойлаштириладиган ғарамлар алоҳида назоратга олинган.

Муҳайё ПАТТАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Аграр соҳага мажмуу устидан назорат қилиш инспекцияси Тошкент вилояти бошқармаси бош инспектори.

Хоразм Вилояти



Тўқай ўрнида бўстон

Инсон истаса, чўлини гулистонга айлантиради. Бунинг учун хоҳиш, ғайрат ва эзгу ният бўлса бас. Қаҳрамонимиз Эркинбой Саидов ҳам асли шундай инсонлар тоифасидан. Унинг бобоси Саид ота, отаси Рўзमत акалар ҳам асли “зуваласи пишк”, элим, юртим дегувчи кишилардан эдилар. Дехқончиликнинг пири эди, дейишарди уларни таниган одамлар. Эркинбой ишда тартиб-интизом бўлишини жуда-жуда хуш кўради. Фермерликни касб қилгач, шу фазилати янада юксалди. Интизомли жамоянинг меҳнатига унум, топганида барака бўлади-да.

Эркинбой раҳбарлик қилаётган Урган туманидаги “Саид бобо” пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги бугун вилоятдаги энг илғор хўжаликлардан бирига айланиб бормоқда. Фермер хўжалиги ҳудудига кириб келишини билан пайкаллардаги бўлиқ ҳосил, дала четларидаги ширага тўлиб етилган мевалар хўжалик раҳбарининг ишни нечоғлик ташкил қилганидан дарак беради.

Катта, кенг дала шийони ишдан кейин мириқиб хордиқ чиқарса арзийдиган жой. Шийон олдидида катта ховузда боқилаётган балиқларнинг уйдни кишининг кайфиятини кўтаради.

Эркинбой Саидов 2001 йили фермер хўжалигини ташкил қилганида бу ерлар чақалакзор, ёввойилашиб кетган ўрмонни эслатувчи манзара касб этарди. Чунки бир пайтлари қадимги “Ҳайват” тўқайи ўрнида барпо этилган бу ерларга жамоа хўжалиги эгалик қилиб, кейинги даврларда умуман қаралмай қолган эди. Фермер ишчилари билан бу ерларда роса тер тўкиб ишлади. Техникалар ёрдамида ерларни кенгайтирди ва мелиоратив ҳолатини яхшилади. Зовур ва ариқларни тартибга келтирди. Кейинчалик “қўли узайган” замонавий техникалар сотиб олиб, далаларни лазер ускунаси ёрдамида текислади. Қарабиски, экинлар бир текис сув ичадиган бўлди.

Ҳозирда “Саид бобо” фермер хўжалиги тасарруфида 107 гектар ер майдони бўлиб, жорий йилда шунинг 55 гектарига пахта ва 45 гектарига бугдой экилди. Фалла режаси ортиги билан бажарилди. Бундан ташқари, тонналар бугдой фермернинг оморидида қолди. Омордаги бугдойдан 25 нафар ишчи ҳам меҳнатига яраша улуш берилди.

Пахтадан ҳам баракали хирмон кўтарилди. Гектаридан салкам 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди, режа алпақачон уддаланди. Давлат хирмонига 150 тонна сифатли пахта хомашёси топширилди.

Хўжаликда меҳнат қилаётган Бахтиёр Искандаров, Янгибой Одилбеков каби тракторчилар, Отабек Шомуродов, Икром Равшанов сингари сувчилар, Каромат ва Саломат Жуманиёзовлардек фидойи ишчилардан фермер доим миннатдор.

– Келажакда хўжалигимизни кўп тармоқли қилиш ниятидаман, – дейди Эркинбой Саидов. – Ҳозирда 50 бош қорамол парварিশляпмиз. 50 та оиладан иборат асраларимиз экинларимизнинг чангланшида қўл келиб, ҳосилдорликни орттириётган бўлса, шифобахш анадан ишчиларимиз ҳам оиласи билан баҳраманд бўляпти.

Фермер такрорий экин сифатида бугдойнинг ўрнига 35 гектар майдонга шол қизил эди. Айни кунда шолни пишиб етилиб, бошогини кўтаролмай турибди.

Демак, ўзбегимнинг хонадонидан яхши қунлар, дастурхонидан ош аримайди. Бунда Эркинбой Саидов каби илғор фермерларнинг меҳнати бекиёсдир.

Болабой МАТҚУРБОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Тошкент Вилояти

Қуйи Чирчиқда кластер усули ўзини оқлади

Баҳорнинг бир кунини йилга татийди, деган гап бечиз айтилмаган. Негаки, бу йилги кўкларнинг серёғин келгани қишлоқ хўжалигида ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Айниқса, чигит экилган майдонларда қайта экишлар амалда оширилди. Натижада пахтанинг етилиш даври чўзилиб кетди. Аммо кеч кузакда тадбир билан иш юритган дехқонларнинг ғалвири сувдан қуруқ чиқмапти.

Кластер усулида фаолият олиб борилаётган туманларда эса натижалар ижобий. Буни биз Тошкент вилоятининг қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллардан буён оқсаб келаётган Қуйи Чирчиқ тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Туманда замонавий агрокластер ташкил қилинган сўнг, аграр соҳадаги

муаммоларга ечим топилиб, махсулот етиштиришда олдинга силжиш кузатилмоқда. Туманнинг қишлоқ хўжалигида эришган ютуқларини тўлиқ кластерга боғлаш муболаға бўлмади. Кластер раҳбарияти томонидан туманда юқори навли саноатбоп пахта хомашёси етиштиришга жиддий эътибор берилиб, барча

зарур чоралар кўрилди. Қуйи Чирчиқ дехқонлар давлатга пахта сотиш режасини уддалаган кунини Чиноз тумани пахтакорлари ҳам ўзларининг меҳнат ғалабасини нишонладилар. Вилоят пахтакорлари жорий йил 73 минг гектарда ғўзанинг серҳосил, маҳаллий иқлимга мос навларини

Эълонлар

“UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Жиззах вилояти Фориш тумани халқ таълими бўлимининг 2019 йил 11 октябрдаги 01-540-сонли хатига асосан Фориш тумани “Гараша” МФЙ манзилида жойлашган 77-сонли мактаб филиали биноси 4 102 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2019 йил 2 декабрь кунини соат 10:00 да Жиззах шаҳридаги Оқ бозорда бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилиш манзили: Жиззах шаҳар Ш.Рашидов шох кўчаси Оқ бозор ҳудуди.

Талабдорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 29 ноябрь кунини соат 16:00.

Юқоридаги мулк 2019 йил 2 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2019 йил 17 декабрь кунини соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 17 декабрдаги такрорий савдолар учун 2019 йил 16 декабрь кунини соат 16:00; 30 декабрдаги савдолар учун 27 декабрь кунини соат 16:00. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатлат келишуви, закатлат пули

тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатларини нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишоннома тақдим этилади. Савдода голиб деб топилган шахсга 10 иш кунини ичида сотуви билан қўнунда белгиланган тартибда олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Берилб ушун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан таъинланган закатлат келишуви асосан, бино бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пули ва “Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)”га асосан талабдорларга кўчмас мулк бозоридида ахборот ва махлуот хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдордаги маблаглар савдо кўнига қада “UNIVERSAL GIGANT GROUP” МЧЖнинг “Ипотекабанк” АТБнинг Жиззах вилоят филиалидаги ҳисобрақамига тўлаб берилади. Тел: 226-22-52. Лицензия: RR-0206.

Аукцион савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

“KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ

такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 23 октябрдаги 950-сонли бюртманомасига асосан куйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Сирдарё вилояти, Ширин туманида жойлашган, умумий майдони 5891 кв.метр, қурилиш ости майдони 879,8 кв.метр, 7 та литердан иборат бўлган 1 қаватли “Ширин дехқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 515 783 000 сўм.

2. Фарғона вилояти, Қўштепа туманида жойлашган, умумий майдони 14300 кв.метр, қурилиш ости майдони 2494,2 кв.метр, савдо расталари, автотурароғроҳ 7 та литердан иборат, 1 қаватли “Қўштепа дехқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 5 094 643 884 сўм.

3. Фарғона вилояти, Бешариқ туманида жойлашган, умумий майдони 11921,32 кв.метр, қурилиш ости майдони 21500 кв.метр, савдо расталари,

автотурароғроҳ 7 та литердан иборат, 2 қаватли “Бешариқ дехқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 6 595 087 738 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 7 ноябрь кунини соат 11:00 да Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси 13А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 7 ноябрь кунини сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 12, 18 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тақдим

этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси; – жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмасор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширунганга қадавр тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани Ҳамид Олимжон кўчаси 13А-уй. Тел: (91)797-71-17, (93)534-05-00. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Фарғона йилдан йилга чирой очиб бормоқда. Сайёҳлар сонининг кўпайгани ҳам бунинг исботи бўла олади. Фарғонанинг меҳнатсевар аҳли бунёдкорлик, яратувчилик ишларини кучайтириб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ободончилик ва бошқа соҳаларда юксак самараларга эришаётир.



Фарғонага ижодкорлар ташрифи



Фарғоналиклар жорий йилда дастлаб ғаллачиликда, кейин пахтачиликда муваффақият қозонди. Ҳар гектар ердан ўртача 75 центнердан ошириб ғалла ҳосили олинди. 27 иш кунда мамлакатда биринчи бўлиб пахта режаси бажарилди. Шундай паллада Республика оммавий ахборот воситалари бош муҳаррирлари, журналистлар, блогерлар ҳамда таниқли шоир ва ёзувчиларнинг Фарғона вилоятига медиа-тури бўлиб ўтди.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб Кўкон шаҳридаги "Буюк алломалар музейи" билан танишдилар. Бу музей давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган, миллий қадриятлар, миллий маънавиятнинг энг ноёб бойликларини ўзда жамлаган. Ижодкорлар Кўконда яшаб ижод қилган адиб

тир Темиров ва бошқалар фикримиз далили бўла олади.

Медиа-тур иштирокчилари куллар юрти бўлган Риштон туманидаги бунёдкорлик ишларини ўз кўзлари билан кўрдилар. Риштон тумани кулай географик жойлашуви, сайёҳлик, меҳнат салоҳияти, маданий мерос ва кулчилик музейлари объектлари билан ўзига хос хусусиятга эга бўлган ҳудуд ҳисобланади. Ижодкорлар Риштондаги Равшанжон Тожидиновнинг кулчилик устaxonасида бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 августдаги "2019-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Риштон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича



Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал, деган нақл бежиз айтилмаган, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов. — Қисқа муддатда Кўконнинг янада чирой оғани, буюк алломалар музейидаги ноёб экспонатлар бизни ҳайратга солмоқда.

Қаҳрамон даласида

Шу йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллик байрами арафасида Олтиарик туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари Лолахон Муротовага Президентимизнинг фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвон берилган ва у "Олтин юлдуз" медали билан тақдирланган эди. Медиа-тур катнашчилари у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги дала шийонида бўлиб, опани юксак мукофот билан табриқладилар. Шу ерда Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ганиев меҳмонлар билан суҳбатлашди.

— Бу йил биз янгича ғоялар асосида ишладик, инновацион технологияларни жорий этдик, — деди Лола Муротова. — Тасарруфимиздаги 500 гектар ер майдонининг 126 гектарига экилган пахтадан ўйлаганимиздан ҳам кўп ҳосил олдик. Барча ҳосиллардан олган даромадимизни ҳисоблаганда бир миллиард сўмдан ошади. Бу ишловчи аъзоларимизнинг турмуш шароити яхшиланишига ижобий таъсир этмай қолмайди. Фермернинг гапларида муболага йўқ, етиштирилган пахта ҳосили ҳақиқатини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, созагор уста Раҳмонали Нортोजиев ташкил этган "Садо" миллий чолғу асбоблари ишлаб чиқариш устaxonаси ўзбек миллий музыка санъати ривожига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

"Садо" садолари



— Ўзбек миллий чолғу асбобларининг тури 19 тадан иборат, — дейди у. — Фаробий бобомиз ҳозирги музыка созларимизнинг аниқ ўлчамини кашф этиб кетган. Бизлар эса боболаримиздан мерос қолган музыка оламига ўзимиз ясаган миллий созларимиз билан ҳисса қўшмоқдамиз.

Дарвоқе, Фарғона вилояти Олтиарик туманидаги Шарқ маҳалласида яшовчи созагор уста Р.Нортोजиев устaxonасида 15 нафар қишлоқ ёшлари устоз-шогирд анъаналари асосида миллий асбоблар тайёрлаш сирларини ўрганмоқда. Кези келганда шуни айтиш керакики, Раҳмонали Нортोजиев тинимсиз изланишлари оқибатида инновацион дастур асосида чолғу асбоблари яшашда ҳам янгиликка қўл урган. Натияжада, ўз ғоясига кўра ясаган ранг-баранг миллий чолғу асбобларига юртимиз мактабгача таълим муассасаларидан ҳамда Малайзия, Жанубий Корея каби чет давлатлардан ҳам буюртмалар тушаётганлиги диққатга сазовордир.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.



Қашқадарё вилояти

Реклама ва эълонлар

PLANETA SERVIS

ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Туловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

ТОГЛАР

МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корxonанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Махсулотлар сертификатланган.

Т. (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

PROMZONA AGRO

BELARUS

ТРАКТОРЛАРИ СOTUVДА MAVJUD

(71) 280-00-71
(71) 280-00-72

Махсулотлар сертификатланган

Хизматлар лицензияланган

2002 й. да Тошкент Молия институти томонидан Соатова Нодира Бобохановнага берилган М № 004828 рақамли магистр дипломи ва унинг иловаси йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

"Mega Max Construction" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Олмазор т. ДХМ томонидан 2019 й. 17 апрель кунини 05-2817/1 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "А LO-ALI AX" (СТИР 200653639) МЧЖ устав фонди 166 311 956 (бир юз олтиш олтмиш миллион уч юз ўн бир минг тўққиз эчкил опти) сўмдан 10 000 000 (ун миллион) сўмга камайитирилади. Муружат учун тел.: (+99899) 895-13-63.

"LACOMO TRADE" МЧЖ (СТИР 206720234) ўз устав фондини 9 000 000 (тўғуз миллион) сўмгача камайитиришни маълум қилади. Кредиторлар ўз талабномалари бўйича ушбу эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун ичида муружат қилишлари мумкин. Манзил: Тошкент ш. Сергели т. Жанубий промzona "Дарё буйи" кўч. 48-уй.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси Илғор ағротехнологияларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий қилишни мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Махмуд Каримовга турмуш ўртоғи **Роҳатпошша КАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақридин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Абдурусул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 236-26-47, Аграр масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қоракўлiston Республикаси — (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

- Андижон — (+99893) 630-73-03
- Бухоро — (+99891) 401-29-59
- Жиззах — (+99893) 940-10-78
- Навобий — (+99891) 332-50-99
- Наманган — (+99893) 948-53-86
- Фарғона — (+99890) 407-76-03
- Самарқанд — (+99893) 349-54-39
- Сирдарё — (+99894) 168-23-60
- Сурхондарё — (+99890) 520-20-05
- Тошкент — (+99890) 976-39-58
- Хоразм — (+99897) 780-47-61
- Қашқадарё — (+99897) 290-28-88

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-1025, ҳажми 2 босма табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

3 776 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ — 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 02.50

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир: А.ҲАҚБЕРДИЕВ